

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳрида ўтказилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркия Республикасида ташриф билан бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув кун тартибидан Кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо, инвестициялар, "ашил" иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Саммит якунида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва устувор йўналишларда кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган кўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташрифи дастурида Истанбул шаҳрида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши 2009 йилда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида тузилган. Бугунги кунда Кенгашга Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо. Мамлакатимиз ташкилотта 2019 йилда қўшилди. Венгрия Туркий кенгашда қузатувчи мақомига эга.

ЎЗА

"Янги Ўзбекистон учинчи Ренессанс остонасида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди

Республика Маънавият ва маърифат марказида "Янги Ўзбекистон учинчи Ренессанс остонасида" номли китоб тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда олий таълим муассасалари ректорлари, тарихчи, файласуф ҳамда адабиётшунос олимлар, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, журналистлар иштирок этди.

Мазкур китоб иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, сенатор Муртазо Раҳматов ҳамда академик, биология фанлари доктори, профессор Бахриддин Зарипов ҳаммуаллифлигида ёзилган.

Асар Янги Ўзбекистоннинг стратегик йўли ҳақида тўлиқ ва мукаммал тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Унда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, ривожланишнинг янги босқичида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида сўз юритилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш гоёси ва Учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ташаббуси бугун реализмга кўча бошлаган.

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янраётгани, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантираётгани таъкидланади.

Шу билан бирга, юртимиз дунё тарихида иккита буюк Уйғониб даврга бешик бўлган, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуг мутафаккирларни етиштириб бергани маҳорат билан қаламга олинган. Айниқса, Учинчи Ренессансга қўйилаётган пойдевор ва янги тамаддун асослари аниқ далиллар асосида очиб берилган.

Асар кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган бўлиб, барча таълим муассасалари, хусусан, олий ўқув юрталари, ташкилот ва идоралар, ҳар бир хонадонга кириб бориши мақсада мувофиқдир. Зотан, қайси замонда бўлмасин, буюк эврилишлар, ўзгариш ва янгиликлар, аввало, халқнинг қудрати, салоҳияти ва кучига таянади.

Дилобар МАМАТОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ЙИГИМ-ТЕРИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пахта хомашёси етиштириш ва унинг йигим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, пахта хомашёси етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда маҳсулотни чуқур қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштириши ва пахта йигим-теримини қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларидан молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йигим-теримини имтиёзли молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларни орқали амалга оширилади;

б) тижорат банклари томонидан Жамғарма ресурслари ҳисобидан қуйидагилар учун имтиёзли кредитлар ажратилади:

пахта-тўқимачилик кластерларига

пахта етиштириш учун – пахта хомашёси қийматининг 60 фоизгача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 24 ойга, шу жумладан, 18 ойлик имтиёзли давр ва 19-ойдан бошлаб сўнги 6 ой давомида тенг улушларда қайтариш шarti билан;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта хомашёси қийматининг 60 фоизгача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 14 ойга;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта йигим-теримини молиялаштириш учун – пахта хомашёси қийматининг 20 фоизгача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойга, шу жумладан, 3 ойлик имтиёзли давр билан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра пахта-тўқимачилик клас-

терларига пахта хомашёси хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун 12 ойгача мuddатга миллий валютада ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тўланади. Бунда, якуний ҳисоб-китоб учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича компенсация харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

3. Белгилансинки: 2023 йил ҳосилидан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли ҳосил йили учун олдинги йилнинг 1 октябридан бошланади;

пахта хомашёсини етиштириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган имтиёзли кре-

дитлар пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига йўналтирилади, бундан пахта-тўқимачилик кластерларига улар томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ерларида пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган кредитлар мустасно;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларига пахта хомашёси етиштириш учун олдиндан тўлов пул шаклида амалга оширилади. Бунда, олдиндан тўловни натура шаклида амалга оширишга йўл қўйилмайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан минерал ўғит, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, техника ва техника хизматларига (ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан ташқари) оид масалалар, шу жумладан, уларни импорт қилишни мустақил ҳал қилинади, бунга ҳар қандай тарзда аралашуш тақиқланади.

(Давоми 2-саҳифада)

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир касаллиқларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган "Инсон қадрини учун" деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда тутди. Шулардан бири малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишдир.

Бу соҳадаги режалар ҳақида Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида айтган эди ва уларнинг ижросига қаришилди. Ушбу йиғилиш ҳам тиббиётнинг бирламчи бўлини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни олдини олиш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу соҳадаги камчиликларни танқидий

кўрсатиб ўтилди.

– Халқимизнинг соғлиғи ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган энг бебаҳо бойлигимиздир, – деди Президент. – Шу боис тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантириш бўйича катта марралари белгилаб олдик. Бунинг учун бирламчи бўлинига ажратилган маблағларни 2 баробарга ошириб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларни камайиштириш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз.

Йиғилишда соҳадаги вазифалар кардиология йўналиши мисолида кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-қон томир касаллиқларига тўғри келмоқда. Сўнги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан,

ёшлар орасида ҳам кўпайган. Умуман, 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади.

Шу боис, юрак-қон томир касаллиқларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли оилавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади, туман лабораториялари коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланади, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади, эҳтиёжманд аҳолига дорилар бепул тарқатилади.

(Давоми 2-саҳифада)



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

"СИНО" ЎРНИДА "SAHARI" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд шаҳридаги "Сино" АЖ негизда "SAHARI" масъулияти чекланган жамияти томонидан машиный техника мувофиқлаштириш ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги "Электротехника sanoatining экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Сино" АЖ давлат акциялари пакетини инвесторларга танлов асосида "ноль" харид қиймати бўйича корхонанинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш билан бир вақтда корхонанинг фаолиятини соғломлаштириш учун инвестициялар киритиш шarti билан топшириш ҳамда 2020 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан "Сино" АЖда "SAHARI" МЧЖ томонидан қиймати 30,0 млн доллар бўлган лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Бунда корхонанинг хорижий таъсисчиси "Horgos Hongyueuan International Trade Co Ltd" (Хитой) томонидан 15,0 млн. доллар тўғридан-тўғри маблағ киритилиши белгиланган.

Бугунги кунда лойиҳанинг биринчи босқичида жами 7,0 млн АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар корхонага янги замонавий асбоб-ускуналар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳамда корхонани қайта қуриш ва реконструкция ишларига йўналтирилган.

Шунингдек, айна пайтда 7 турдаги музлаткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жорий йилнинг ўтган даврида 20 минг дондан ортиқ музлаткич ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда корхонада жами 100 та янги иш ўрни яратилган.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ЭЪТИБОР ВА САМАРА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ўтган ва жорий йилнинг ўн ойи нафақат дунё мамлакатлари, ўзбекистонликлар учун ҳам кутилмаган синовлар йили бўлди. Кўзга кўринмас ковид инфекцияси қисқа фурсатда барча қитъаларга тарқалиб, инсониятни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўз-ўзидан транспорт қатновлари ҳаракати тўхтади. Саноат корхоналари фаолияти чекланди. Одамлар уйдан кўчага чиқмай пандемия талабларига риоя этган ҳолда эртанги кун умиди билан кун кечирдилар. Ушундай оғир паллаларда халқимизни оғир вазиятдан олиб чиқиш учун барча зарур чоралар кўрилди. Бундан руҳланган, қасамёдига содиқ бўлган саломатлик посбонлари коронавирус деган балодан аҳолимизни ҳимоя қилиш учун мардонавор турдилар. Керак бўлса азиз жонларини фидо этдилар.

Республика санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Наманган вилояти бошқармаси ҳамда унинг бўлимлари ходимлари томонидан миллий эмлаш календарини асосида 13 турдаги юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирлари белгиланган мuddатда амалга ошириб келинмоқда. Кейинги уч йил ичида битта вилоят, ўн битта туман вакциналар омбори қурилди. Жорий йилнинг январь ойида вакциналарни ташиш жараёнида "совуқлик занжири" қондаларига амал қилиш мақсадида санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси шаҳар ва туман бўлимларига ва даволаш

профилактика муассасаларига ЮНИСЕФ томонидан ажратилган турли ҳажмдаги термосумкалар қатъий тақсимот асосида тарқатилди. Республика миллий омборидан эмлаш вакциналарини вилоятга олиб келиш ва туман бўлимларига етказиб бериш учун бир дона маҳсус рефрижераторли, 12 та Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий "Чанган" ва битта энгил автотранспорт воситалари билан таъминланди. Эмлаш пунктларини доимий электр энергияси билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда зарур чоралар кўрилди. ОАВ ходимлари иштирокида коронавирусга қарши эмлашга тайёргарлик кўриш мавзусида

матбуот анжумани ўтказилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи иштирокида вилоят ҳамда шаҳар, туман даволаш профилактика муассасалари бош шифокорлари иштирокида муҳоама йиғилиши ўтказилиб, коронавирус инфекциясига қарши эмлаш жараёнига тайёргарлик кўриш бўйича аниқ ва мuddатли топшириқлар берилди. Жорий йилнинг 3 март куни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида аҳолини коронавирус инфекциясига қарши вакцина билан эпидемиологик кўрсатма асосида эмлаш жараёнида мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан семинар ўтказилди.

Омбор гувоҳномаи ягона реестри яратилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМАШЁСINI ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ЙИГИМ-ТЕРИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

4. Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ва кластерларнинг молиявий ҳолати устидан доимий мониторингни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғарма таркибидан 5 штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этилсин.

Жамғармага ўзи томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини аудит ва бизнес консалтинг ташкилотларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда аудитдан ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

5. Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини

Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

товар омборларига қўйиладиган талаблар, товар омборлари фаолиятини ташкил этиш ва сақлаш учун берилган мол-мулк бўйича томонлар мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш тартиби, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи омбор гувоҳномасига қўйиладиган талаблар;

омборга сақлаш учун берилган мол-мулк миқдори, тури, сақлаш муддати ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи Омбор гувоҳномаси ягона реестрини яратиш ҳамда унда тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва давлат бошқаруви органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш.

Тижорат банкларига мазкур банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингунга қадар, кредитлаш учун пахта-тўқимачилик кластерларининг ип-калава захирасини, башарти ушбу захира қарз мажбуриятларидан ва гаровдан ҳоли бўлган тақдир-

да, гаровга олиш тавсия этилсин. Бунда, гаровга қўйилган ип-калава захиралари гаровга олувчи тижорат банкининг розилиги асосида тасарруф этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўқоров ва молия вазири Т.А.Ишметов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ тадбирларни узлуксиз молиялаштириш учун 2022 йилда Жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 5 триллион сўм бегараз молиявий ёрдам ҳамда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра 7,5 триллион сўмга бюджет ссудаси ажратилишини таъминласин.

7. Пахта толасини қайта ишлаш қуввати эга бўлган пахта-тўқимачилик кластерларига 2021 йил ҳисоли учун пахта хомашёсини етиштиришга ажратилган имтиёзли кредитлар 2022 йил сентябрь ойдан бошлаб 6 ой давомида тенг улушларда қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда, Жамғарма ҳисобидан ушбу мақ-

садлар учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни қайтариш имтиёзли кредитларни қайтариш муддатига мутаносиб равишда узайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифарларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муд-

датда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 10 ноябрь

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 миллион сўмдан, жами 70 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган. Умуман, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу жорий йилги харажатлардан 3 баробар кўпдир.

Президентимиз оилавий шифокорлар ва ҳамшираларни юрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йил 1 июлда қадар туман, вилоят ва республика даражасида даволанадиган касалликлар рўйхати тузилиб, шу асосда режали даволаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бунинг учун туман шифохоналари 4 турдаги кардиология ускуналари билан таъминланади. Натижада кўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалларида эса хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилади. Хусусан, Хоразм вилояти филиали қўшимча жиҳозланиб, барча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани бошқача-бошқич бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шифохоналарда ҳам йўлга қўйиш, ихтисослаштирилган кардиология хизматларини ҳудудларга ташириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти ҳам танқидий қўриб чиқилди. У ерда превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика каби йўналишларда янги лабораториялар ташкил этиш, хорижда-

ги етакчи клиникаларда шифокорлар малакасини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу марказни трансформация қилиб, кўп тармоқли шаклга ўтказиш вазифаси қўйилди. Маълумки, юрак-қон томир касалликларининг асосий сабабларидан бири – нотўғри турмуш тарзи. Тўғри овқатланиб, кўпроқ пиёда юриладиган одамларда бундай хасталик кам учради халқаро илмий ташкилотлар томонидан исботланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг фойдасини янада кенг тарғиб этиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машғулотларни одамларнинг одатий ҳаёт тарзига айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда "Соғлом турмуш тарзи" платформаси ташкил этилган эди. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди, уларга 18 миллиард сўм тўлаб берилди. Молия вазирлигига келгуси йилда бу тизимдан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш учун 60 миллиард сўм ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳудуд раҳбарлари тўпланганидан фойдаланиб, аввал берилган топшириқлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Еш авлод билан манзилли ишлаш учун ҳар бир маҳаллада вилоят ҳокимининг ёрдамчиси – ёшлар етакчиси кардиологиялар етказиб берувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари, сугориш бўйича илғор технологиялар етказиб берувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарда мавзуси доирасида вилоятда амалга оширилган ишлар, ютуқ ва муаммолар атрофида таҳлил этилди.

– Жаҳон миқёсида сув танқислиги йилдан-йилга ортиб бораётган бугунги шароитда, айниқса, қишлоқ хўжалигида, сугоришда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. – дейди Агроинспекция Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиги Сардорбек Абдулахатов. – Шу маънода ўтказилган семинарнинг мақсади ҳам

11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Жорий йилнинг 8-14 ноябрь кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб "Ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги" бўлиб ўтмоқда. Мазкур ҳафталик 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни байрами билан ҳамоҳанг тарзда нишонланаётгани аҳамиятга моликдир.

Кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат олиб бориш, бунда одамларнинг дарду ташвишларини, уларни ўйлантираётган муаммоларнинг илдизларини аниқлаш, тезкор, тўғри ва самарали ечим топиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида олиб борилаётган янгиликни жараёнларида устувор аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат етакчисининг жорий йил 6 ноябрдаги Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқида ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас, албатта. Бунда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат, турмуш шароитини яратиш, меҳнатини муносиб рағбат-

лантириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимиз касба уюшмалари тизимида ўз сафида 5,5 миллион нафардан зиёд аъзоларни бирлаштирган 33 минг 356 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Тизимда жами 6 минг 700 дан ортиқ ходим ва жамоатчилик асосида 300 мингга яқин фаоллар самарали ишлаб келмоқда.

Илк марта Ҳукумат, иш берувчилар конфедерацияси ва Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Бош келишув, 14 та ҳудудий ва 107 та тармоқ келишувини тузилди. Ходимлари касаба уюшмаларига аъзо бўлган барча ташкилотларда жами 109 мингдан ортиқ жамоа шартномалари расмийлаштирилди. Улар асосида йил давомида 1 та ходимни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш соҳасига ўрта ҳисобда сарфланадиган маблағ миқдори 5 маротаба оширилди. Тизимда 14 та соғломлаштириш масканлари қурилди, 2 та санаторий ва 3 та болалар оромгоҳи реконструкция қилинди. Бунинг натижасида мавжуд 24 та санаторийда йилига қўшимча 34 минг нафар ходимни соғломлаштириш имконияти яратилди.

Меҳнаткашларни санаторийларда соғломлаштириш, уларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олдириш, эҳтиёжманд оилалар учун тарихий шахарларга саёҳатлар уюштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан 16 мингга яқин корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилди. Унинг натижалари бўйича аниқланган 61 мингдан ортиқ камчиликлар бартараф этилди.

Ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан иш берувчиларга 2 минг 295 та тақдимнома, судларга 765 та даъво аризаси киритилди ва ходимлар фойдасига 13,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди ва 13 минг 471 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Пахта йиғим-терим мавсумида терим-

чилар учун шароитлар яратиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш юзасидан миллий мониторингини амалга ошириш тизими йўлга қўйилди.

"Аёллар дафтари" билан ишлаш тизими жорий этилиб, ўтган давр мобайнида мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 900 минг нафарга яқин хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Ташкил этилган "Ишонч кўнгириги" асосида опа-сингилларимиздан келиб тушган муурожаатларнинг барчасига ижобий ечим топилаётди.

Касаба уюшмалари куни арафасида барча меҳнат жамоаларида спорт мусобақалари, маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Узоқ йиллар давомида турли жабҳаларда ҳалол ва самарали меҳнат қилган ходимлар хонадонига бориб, уларга совғалар топширилмоқда. Айни пайтда касаба уюшмалари тизими олдидида янги вазифалар белгиланмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадри олий қадрият эканининг амалдаги яна бир ёрқин намунасиридир.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ:

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

САМАРА ВА ИСТИҚБОЛ

Андижонда глобал иқлим ўзгариши шароитида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда сув танқислиги муаммосини ҳал этишнинг устувор йўналишлари, сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда сугоришга илғор технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика ва сув ресурслари бўлими раҳбари ва инспекция вилоят бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда қишлоқ ва сув хўжалиги тизими мутасадди ва мутахассислари, кластер корхоналари масъуллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, сугориш бўйича илғор технологиялар етказиб берувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарда мавзуси доирасида вилоятда амалга оширилган ишлар, ютуқ ва муаммолар атрофида таҳлил этилди.

– Жаҳон миқёсида сув танқислиги йилдан-йилга ортиб бораётган бугунги шароитда, айниқса, қишлоқ хўжалигида, сугоришда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. – дейди Агроинспекция Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиги Сардорбек Абдулахатов. – Шу маънода ўтказилган семинарнинг мақсади ҳам

вилоятда мазкур йўналишдаги ишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, сугоришда сувтежамкор технологиялардан фойдаланиш, илғор тажриба ва иш услубларини оммалаштириш, мазкур тизимда иш олиб борувчиларнинг билим ва малакасини юксалтиришга қаратилган.

Семинарда дастлаб Ўзагроинспекциянинг Андижон вилояти бошқармаси ва туман бўлиmlари томонидан жорий йилнинг январь-октябрь ойларида сувдан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича 2 мингдан ортиқ назорат тадбирлари ўтказилгани айтиб ўтилди. Ўрганишлар натижасида 2 минг 524 та камчилик ва қонунбузилиши аниқланган бўлиб, ушбу ҳолатлар бўйича 1 минг 437 та ёзма кўрсатма, 34 та тақдимнома ҳамда 220 та қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материаллар юборилган. 833 нафар фуқарога нисбатан инспекция ваколати доирасида маъмурий иш қўзғатилиб, уларга 298 миллион 811 минг сўм миқдорда жарима



қўлланилган.

Андижон вилоятида 27 минг 110 гектар пахта майдонидан томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган 10 ой давомида 15 минг 615 гектар майдонда томчилатиб сугориш ишлари олиб борилди. Томчилатиб сугориш борасидаги ишларни ташкил этиш учун фермер хўжаликлари ва кластер корхоналарга 100 миллиард 254 миллион сўм субсидиялар ажратилди. Вилоятда 27 минг 985 гектар майдонда сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича тузилган шартномаларга асосан, 2 минг 360 фермер хўжалиги ҳамда кластер корхоналарнинг 22 минг 693 гектар майдонидан ана шу ишларни жорий этиш учун 344 миллиард сўм миқдорда молиявий кўмак берилди. Натижада 2021 йил-

да пахта етиштирилган 17 минг 189 гектар майдонга томчилатиб сугориш технологиялари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Вилоятда мевали боғ, ток ва бошқа экин майдонларининг 5 минг 505 гектар қисмида томчилатиб сугориш технологияси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Бундан ташқари, семинарда ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш юзасидан ҳам муайян ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Хусусан, вилоятда "Агро NEW DRIP", "NETAFIN" ҳамда "AGROPOSITIVE" МЧЖ сингари пудрат ташкилотлари кўмагида Туркия, Исроил давлатлари технологиялари асосида 100 гектар майдонда мазкур усул тўла жорий этилди.

Семинарда пахта ва галла майдонларида сувтежамкор сугориш технологияларини қўллаш-

нинг афзалликлари хусусида ҳам батафсил маълумот берилди. Масалан, Андижон туманидаги "GOLD FAYBIR" фермер хўжалиги 10 гектар пахта майдонидан томчилатиб сугориш технологиясини жорий этди. Аввалги йилларда ҳар гектар майдондан 20-22 центнергача ҳосил олинган бўлса, бу йил гектаридан 35 центнергача ҳосил олинди.

Шаҳрихон туманидаги "Барак", "Карнайчи саховати", "Омад" фермер хўжаликларида ҳам томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган, ҳосилдорлик 35 центнердан 50 центнергача ортган. Қўронтела туманидаги "Интер агро стар" фермер хўжалиги жорий йилда 64 гектар галла майдонидан ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилди. Хўжалик экин майдонларидан аввал 60 центнергача ҳосил олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 80 центнерга кўтарилган.

Мутахассислар томонидан томчилатиб, ёмғирлатиб сугориш технологиялари, шунингдек, эгилувчан қувурлар орқали сугориш усулини жорий этиш тартиблари, харажатлари, самара ва натижалари, мазкур йўналишда иш олиб борувчи мутахассислар билим ва малакасини ошириш, уларни ўқитиш бўйича тавсия ва таклифлар билдирилди.

Семинар якунида мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори бошқича кўтариш, сифат ва самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Тиббиётдаги ислохотлар ўз мевасини бермоқда

ЭЪТИБОР ВА САМАРА

(Боши 1-саҳифада)

4-6 март кунлари Наманган шаҳрида шаҳар ва барча туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларининг масъул эпидемиологлари, даволаш профилактика муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари, терапевт, иммунологлари иштирокида Covid-19 инфекциясига қарши эмлаш жараёнига тайёргарлик тадбирлари, пандемия даврида хавфсиз эмлашни ўтказиш мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Бундай семинарлар ҳудудларда ҳам мазмунли ташкил этилди. Эмлаш ишлари Республика марказий штабидан берилган вариантдаги жадвал асосида шакллантирилди. Covid-19 га қарши эмлаш жараёни жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб кенг қўламда амалга оширилмоқда. Вилоятда 238 та эмлаш пункти, 54 та ҳаракатдаги бригада фаолияти йўлга қўйилди. Эмлашдан сўнг ноҳўя реакциялар кузатиладиган бўлса, уларга тиббий ёрдам кўрсатувчи шифохоналар ва реаниматолог врачлар рўйхати шакллантирилди. Вилоятда кунига 4500-5000 та лаборатория таҳлили ўтказиш имкониятига эга 8 та ПЦР аппаратлари мунтазам ишлаб турибди. Улар барча турдаги вакцина, шприц, хавфсиз кути, тиббиёт қўлқопи, пахтаси, антисептик воситалар ва этил спирти билан таъминланди.



Бошқарма ва унинг туман бўлимлари мутахассислари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бозорлар, автобус бекатлари, маҳалла гузарлари, савдо расталари, умумий овқатланиш шаҳобчалари, маданият уйлари ва оммавий тадбирлар ўтадиган иктимой объектларда мунтазам профилактик дезинфекция тадбирларини ўтказиб, қаттиқ назорат ўрнатганликлари ўз натижасини бермоқда. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг тегишли буйруқлари асосида 176 минг 451 нафар тиббиёт, мактабгача ва халқ таълими, миллий гвардия ходимлари,

болалар эмланди. Шунингдек, 11 мингдан ортиқ бола вирусли гепатит А касаллигига қарши эмланди. Аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қамровли санитария тарғибот ишлари олиб борилди. Аҳолининг гижжа касаллиги билан касалланиш даражасини аниқлаш мақсадида стационар, амбулатор беморлар, мактаб ўқувчилари, чорвадорлар ва гижжа касаллиги ўчоқларида мулоқотда бўлган кишилар лаборатория йўли билан текширилди. Аниқланган бемор-

ларнинг 96,6 фоизи соғломлаштирилди. 19-24 апрель кунлари 2-10 ёшдаги болаларга ҳамда зарарланиши юқори бўлган мактабларда 15 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларга Альбендозол 400 мг., 2-10 ёшдаги болаларга Мебендазол 500 мг. дори воситасини тарқатиш орқали оммавий дегельминтизациянинг биринчи тури ўтказилди. Олиб берилаётган саяё-ҳаракатлар натижасида жорий йилда ҳам вилоят аҳолиси ўртасида ўткир респиратор касалликлар, гепатит "А", гижжа касалликларининг кескин камайишига эришилмоқда. Сальмонеллез касаллиги билан бирорта ҳам

бемор рўйхатга олинмади. Ковид инфекциясини юқтирганлар сони ҳам кундан кунга камайиб бормоқда. Эришилаётган бу каби ижобий натижаларда касб байрамларини кўтаринки кайфиятда кутиб олаётган бошқармамиз ва унинг туман бўлимлари жамоаларининг, айниқса, Мадаминжон Тоҳиров, Шоҳистахон Абдуллаева, Юсуфшожи Ҳожиёв, Мирзадавлат Йўлдошев, Абдумутал Нишоннов, Абдулложон Матвалиев, Сайёра-хон Хўжаназарова каби фидойи соҳа мутахассис ва ишчи-ҳодимларининг ҳиссаси катта бўлаётди. Хулоса шуки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган катта эътибор ва яратиб берилаётган шароитлар бугун ўз мевасини бераётди. Президентимизнинг тараққиёт стратегиясизда халқимиз саломатлигини таъминлаш бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтирилаётган маблағларини икки баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобда минг долларга етказиш мўлжалланмоқда, деган сўзлари эса соҳа ходимларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. **Маҳаммадсоли ТОРАБЕКОВ,** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи.



S&P GLOBAL RATINGS ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКНИНГ КРЕДИТ РЕЙТИНГИ ПРОГНОЗИНИ ОШИРДИ

Standard & Poor's Global Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзсаноатқурилишбанкнинг "BB-" рейтинг даражасини тасдиқлаб, кредит рейтингини прогностини "салбий"дан "барқарор"га оширди.


Барқарор прогноз банкнинг резервларини шакллантиришда қўшимча муҳим эҳтиёжлар ёки кредитлашнинг ҳаддан зиёд ортиб кетиши билан боғлиқ ҳолда таваккалчиликлар пайдо бўлишига кўра капиталлашувнинг адекват кўрсаткичларини сақлаб қолишига асосланади. S&P Global Ratings томонидан қайд этилишича, 2024 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган хусусийлаштириш жараёнига тайёргарликка қарамасдан, келгуси икки йилда банк ўзининг мустақам бизнес-позицияси ҳамда давлат билан яқин алоқаларини сақлаб қолади. Пандемия билан боғлиқ иқтисодий таҳдидлар шароитида Ўзсаноатқурилишбанк кредит рейтингини прогностининг кўтарилиши молия муассасаси бизнесининг самарали ривожланаётгани, банк активларининг барқарор ўсиб бораётгани ва юқори сифатлиги, шу билан бирга фаолиятидаги самарали операция кўрсаткичларидан далолат беради. "Ўзсаноатқурилишбанк рейтинглари бўйича

барқарор" прогноз Ўзбекистонда капиталнинг адекват захира-лари, активлар сифатининг яхшиланиши ва мустақам бизнес-позиция банк кредитлаш кўрсаткичларини яқин 12 ой ичиди сақлаб қолиши таъминлайди", - дея хулоса қилади, Standard & Poor's. Ўзсаноатқурилишбанк Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ва тизимли молия муассасаларидан биридир. Банк активлари ва капиталлари ҳажми, депозит база ва даромад каби асосий молиявий кўрсаткичлар бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда банк тизимида трансформациялаш жараёнининг сўнгги босқичини яқинлаш бўйича кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. Бу, ўз ўрнида, банкнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда операция самардорлигининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзсаноатқурилишбанк ўзининг мамлакат молия бозоридидаги ўрнини мустақамлаб, инвесторлик базасини кенгайтириб бормоқда. **Банк ахборот хизмати**

228,2 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА

Яқинда Жаҳон банкининг миссияси вакиллари Фарғона вилоятига ташир буюриб, "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ташир доирасида Фарғона тумани "Шоҳимардонобод" МФЙда қурилиб, фойдаланишга топширилган 78-сонли тик сугориш қудуғининг рамзий очилиш марасими ўтказилди.

"Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза" лойиҳасининг умумий қиймати 228,2 млн. АҚШ доллари бўлиб, 144,9 млн. доллар Жаҳон банкининг имтиёзли ресурслар ҳисобидан берилган кредити ҳисобланади. Лойиҳа 2017-2024 йилларда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилади. Жумладан, Фарғона вилоятида сув таъминоти оғир бўлган Қувасой шаҳри ва Фарғона туманларидаги каналларни таъмирлаш-тиклаш, янги тик сугориш қудуқлари ва насос станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. - Келгуси йилнинг май ойигача 138 та тик сугориш қудуқларини қазиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, Қувасой шаҳри ва Фарғона туманида жами 117 таси қуриб битказилди, - дей-



ди лойиҳанинг ижрочи директори Ўлмасжон Аҳмадалиев. - Ҳозирги кунда қазилган қудуқларнинг 90 тасини ишлатишга тайёрланмоқда. Шундан 55 таси Сирдарё-Сух ирригация тизимлари ҳавза бошқарма-

си ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ихтиёрига фойдаланиш учун топширилди. **Ҳамиджон БУРҲОНОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Дуққат танлов!

Табий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш ҳўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да яқунланади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

"ЎЗБЕКБАЛИҚСАНОАТ" УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ТАНЛОВГА ҚўЙИЛАДИГАН ТАБИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ РўЙХАТИ

№	Туман номи	Табий сув ҳавза номи	Майдон (гектар)
Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 15.12.2021 й)			
Манзил: Қорақалпоғистон Рес. Нуқус шаҳри, Қизикеткен кўчаси 14-б			
1	Амударё тумани	Шарсапа қоли	8,2
2	Беруний тумани	«Зарип қара» қўли	5,3
3	Бўзатов тумани	«Довутқўл Қорабек» қўли	2865
4	Элликқалъа тумани	301 контур қўли	2,8
5	Элликқалъа тумани	Жинган қўли	3,9
6	Элликқалъа тумани	441 контур қўли	2,1
7	Элликқалъа тумани	«Чаланг» қўли	1,6
8	Элликқалъа тумани	«Даша» қўли	30,8
9	Шуманой тумани	2878-а-санлы контур	1,4
10	Тўртқўл тумани	Куксу Лоток яб Контур қўли	10
11	Тўртқўл тумани	Айдинқўл қўли	10,1
12	Тўртқўл тумани	Араб қўли	6,6
13	Тўртқўл тумани	Шўрқўл қўли	16,9
14	Нукус тумани	Қудяр қўли	8,4
15	Нукус тумани	Гунжилли қўли	9,4
16	Мўйноқ тумани	«Жауынғыр» қўли	29,4
17	Мўйноқ тумани	«Қарамуш қўли»	220,1
18	Мўйноқ тумани	«Қизил кема» қўли	1,78

19	Мўйноқ тумани	«Закир» қўли	330
20	Мўйноқ тумани	Хожакөл қўли	126,3
21	Мўйноқ тумани	Арқа Мақпал қўли	35,4
22	Мўйноқ тумани	Узындайыр қўли	5
22	Жами		3730
Қашқадарё вилояти (танлов санаси 17.12.2021 й)			
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 81а-уй			
1	Қамаш тумани	«Чимқўрғон» сув омбори	4455
1	Жами		4455
Тошкент вилояти (танлов санаси 21.12.2021 й)			
Манзил: Тошкент вил. Нурафшон шаҳри, Ойбек МФЙ халқ қабулхонаси биноси			
1	Оҳангарон тумани	«Оҳангарон» сув омбори	552
3	Бекобод тумани	Табий қўл	2,4
4	Бекобод тумани	Табий қўл	3,7
5	Бекобод тумани	Табий қўл	1,15
6	Бекобод тумани	Табий қўл	35,4
6	Жами		595
Хоразм вилояти (танлов санаси 14.12.2021 й)			
Манзил: Хоразм вил. Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй			
1	Ҳазорасп тумани	«Шўрқўл - 2» қўли	6,8
1	Жами		6,8

Ипотека-банк томонидан ЕТБнинг Марказий Осиёда "Бизнесдаги аёллар" (CAWiB) дастури доирасида Ўзбекистонда илк бор "Тадбиркор аёллар" семинари ташкил этилди

Жорий йилнинг 27 октябрь кунин Тошкентнинг Hyatt Regency меҳмонхонасида Ўзбекистонда илк марта аёл тадбиркорлар учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Марказий Осиёда "Бизнесдаги аёллар" (CAWiB) дастури доирасида "Тадбиркор аёллар" семинари бўлиб ўтди.

CAWiB дастури аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга ҳам молиявий ёрдам, ҳам консалтинг хизматлар кўрсатишни назарда тутди. Дастур Ўзбекистонда Ипотека-банк томонидан юқори даражада амалга ошириб келинмоқда ҳамда бу бизнесдаги аёллар учун манзур бўлмоқда. Шу кунга қадар дастур доирасида аёл тадбиркор бўлган Ипотека-банкнинг 76 нафар мижозлари жами 7,2 миллион АҚШ доллари миқдориди ўз бизнесларини ривожлантириш учун молиявий маблағларига эга бўлишди. Ушбу дастур Европа тикланиш ва тараққиёт банки тарафидан молиялаштирилиб, техник қўмак эса Германиянинг "German Sparkassenstiftung for International Cooperation" ташкилоти ва IPC-Internationale Projekt Consult GmbH консалтинг компания-

си томонидан тақдим этиб келинмоқда. Семинарда "Тадбиркор аёл" - Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова мамлакатимиздаги ишбилармон аёлларга яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб ўтди, шунингдек, уюшма фаолиятига доир маълумотлар билан ўртоқлашди. ТЕННИКУМ долзарб касблар мактаби асосчиси Дмитрий Середин тарафидан интерактив тарзда ўтказилган "Рақамли савдо каналлари ва рақамли маркетинг" мастер-класси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Семинарда иштирокчилар ва ташкилотчилар томонидан бу каби учрашувлар аёл тадбиркорлар учун айтиш мумкин эканлиги таъкидланди ва келгусида ҳам бу каби тадбирлар давом этиши билдирилди. **Ипотека-банк ахборот хизмати**

Эълонлар

Ф.Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти томонидан 1991 йилда Нодираде Марика Теофановна номига берилган УВ-1 № 047413 (рўйхат рақами 12892) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Қурилиш ва миллий ҳўнармандчилик касб-ҳўнар коллежи томонидан 2006 йилда Расулов Бойрижон Маҳаматрўпович номига берилган К № 530431 (рўйхат рақами 1.03-15) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Утеранный гос ордер № 10-01/6033 от 9.02.1993 год на право собственности на квартиру на имя Шухурова Малюда Юсуповна считать не действительным.

Нотариус ҳуқуқий маслаҳат ҳам беради

Яхшилардан қолур мудом яхши ном

"НОТАРИУС" АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ



унинг афзалликлари нималарда кўринади?

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, жумладан хусусий мулк эгалари ўз мулкларини эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазибаларни амалга ошириш замон талабларидан бири бўлиб келмоқда.

Нотариат институти рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларини тўдан соддалаштириш мақсадида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадида "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимини яратилган ва унда барча нотариал ҳаракатларни ахборот тизими орқали онлайн тарзда мониторинг қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларидан фойдаланиш, нотариал ҳаракатларни ахборот тизимида мажбурий қайд этиш ва ҳар бир ҳужжатга тақрирланмайдиган махсус рақам бериш, шу орқали суистеъмолчиликларнинг олдини олиш, бажарилган нотариал ҳаракатларни ягона электрон базасида қайд этиш, сохта нотариал ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига йўл қўймаслик ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тарихини сақлаш ишлари амалга оширилган.

Нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, жумладан хусусий мулк эгалари ўз мулкларини эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазибаларни амалга ошириш замон талабларидан бири бўлиб келмоқда.

Бажарилган нотариал ҳаракатларни ягона электрон базасида қайд қилиш, сохта нотариал ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига йўл қўймаслик ва ҳужжатлар билдирган шахсларга нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган ҳужжат нусхаларини нотариал идорага электрон тармоқ орқали олдиндан жўнаштириш йўли билан электрон навбат олиш ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаб қўйиш имконини берувчи хизмат жорий қилинган. Кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда коммунал хизматлар қарздорликлари бўйича маълумотларни фақат коммунал ташкилотлар ахборот тизимлари орқали онлайн режимда текшириш тартиби ўрнатилган. Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлиги тўғрисида маълумотлар Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текширилади. Нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларга тасдиқловчи хабарлар юбориш ҳамда идораларо электрон ахборот алмашиш йўлига қўйилган.

Нотариал идора томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш истагини

ҳақидаги маълумотлар тарихини сақлаш ишлари амалга оширилган. Нотариал ҳаракатни бажариш истагини лекин соғлиги ёки бошқа сабабларга кўра нотариал идорага кела олмайдиган фуқаролар учун нотариал идора томонидан жойларга чиқиб, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича имкониятлар яратилган. Нотариал идора томонидан бир иш кунда ўртача амалга ошириладиган ишларга назар солрадиган бўлса, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, кўчар мол-мулкларни ижарага бериш ёки текин фойдаланиш шартномаларини расмийлаштириш, автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни бошқариш ва уларни тасарруфдан чиқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаш, бошқа турдаги яъни ҳар хил ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган ишончномаларни тасдиқлаш, автоматотранспорт ва кўчмас мулкларни олди-сотди, ҳада қилиш, айирбошлаш билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштириш, васиятномалар тасдиқлаш, васиятнома ёки қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномалар бериш ва бошқа ҳар хил қонуний битимларни амалга ошириш бўйича 15-20 турдаги нотариал ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар тайёрланади ва расмийлаштириш бўйича нотариал ҳаракатлар амалга оширилади. Шунингдек, нотариал идорага ҳар хил масалаларда маслаҳатлар олиш учун мурожаат қилган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб борилаётган.

Ф.ИСМАИЛОВ, Урганч туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

Ҳазрати инсонлар ИЛМУ САБРИ, МЕҲРУ МУРУВВАТИ КУЧЛИ ЭДИ

ёҳуд мамлакатимиз паррандачилик соҳаси билимдорларидан бўлган андижонлик Ҳошим Тешабоев сиймосига қизғилар

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Ҳошим Тешабоев номи нафақат Андижонда, балки, бутун мамлакатда паррандачилик соҳасининг билимдони ва жонқуяр фидойиси сифатида тилга тушган эди. Уша даврда Ўзбекистонда паррандачилик сановати энг гуллаган эди. Маҳаллий паррандачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган туҳум ва товۇқ гушларининг мазаси ва тўйимлигини ҳали ҳануз эслашди. Ҳар хил биокўшимчаларсиз етиштирилган сифатли ва таъми бетақорор, бозорларимиздаги арзон ва умумҳарид имкониятига эга бўлган махсусотлар ҳақида уйлამаса ҳам бўлади. У даврлар оддий одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам виждонлироқ, фидойироқ,

ҳам олдиға туша олмаиди. Ҳикматли мисралар, халқ орасидаги теша тегмаган маталлар билан суҳбатнинг жонини киритади. Бир китобдан, бир ҳаётдан мисоллар айтган сўзларини тингласангиз, олдингизда дастурхон борлиги ҳам ёдингиздан кўтарилиб қолади. — Раҳматли гулларни яхши кўради, — дея Улмастон ая рўмолининг бир учи билан кўзларини артади. — Мевали кўчатларнинг ҳам сара-сараларидан экиб кетган. Ҳатто дарахтлар ҳам яхши одамни билар экан. Улар ҳам эгасидан айрилиққа чидай олмас экан. Оламдан ўтганига ўн уч йил бўлса ҳамки ҳали ҳануз дарахтлар ҳам, гуллар ҳам аввалги ҳолига қайтмади... Ҳар бир дарахт, ҳар бир гул унинг

фойдасидан зарари кўп бўляпти", деб шикоят билан кирса "бушатиб юборсам бу ногиронларни ким ҳам ишга оларди, бола-чақасини қандай боқадди, майли ишлайди", деб қатъий жавоб қиларди. Уларга тез-тез моддий ёрдам бериб турарди. Беш қўл баравар эмас, у бечораларга кимдир қаттиқроқ гапириб қўйса, улар худди ёш бола "отамга айтаман" дегандай қилиб "Ҳошимжон акага айтаман", деб камситилган гулрудини хийма қилишар эди. Бир йили оғл келиб фабрикага қўшни қишлоқдаги ўнлаб уйларга катта зарар етказди. Отам фабрикалардаги раҳбарларни чақириб, ҳар бирига биттадан уйни ўз ҳисобидан худди билан ташмирлаб беришни сўраганди. Ўзи ҳам битта хонадонни оталиққа олганди.



Шароф Рашидовнинг Асакадаги паррандачилик фабрикасига ташрифидан лавҳа. Ўртада фабрика раҳбари Ҳошим Тешабоев.

ҳалолроқ эди. Шароф Рашидовнинг таълимининг олган Ҳошим Тешабоев каби раҳбарлар эл-юрт манфаатини ўзиникидан баланд тутар, адолат-сизликка, талон-тарожликка тоқат қила олмас эди. Тўғрисиқлик, инсофдиёнат уларнинг ҳаётий шiori эди.

дўстларини эслатиб туради. Бу кўчат-таълимининг олган Ҳошим Тешабоев каби раҳбарлар эл-юрт манфаатини ўзиникидан баланд тутар, адолат-сизликка, талон-тарожликка тоқат қила олмас эди. Тўғрисиқлик, инсофдиёнат уларнинг ҳаётий шiori эди.

(Шахсий архивдан олинган сурат.)

Юзидан нур, маъно-мазмунли гап-сўзларидан қамтарлик ва самимийлик ёғилиб турадиган Ҳошимжон ота билан танишганимизга ўттиз беш йил бўлибди. Тақдир тақозоси билан хотираси юрагимдан жой олган бу инсон оиласига кўё бўлдим. Шу боисдан ҳам Ҳошим Тешабоев ҳақида бир олам хотираларим бор. У қишлоқ хўжалигини, айниқса, паррандалик соҳасини шу қадар чуқур билар эдики, бирор муаммо чиқиб қолса, мамлакатимиздаги шу соҳа раҳбарларидан тортиб, республика бирлашмасидагилар ҳам "Ҳошим ака, сиз нима дейсиз" деб овоз чиқариб сўрашар эди. Серкирра иқтидор, кучли хотираси, маърифати билан одамлар орасида дилторати кучга эга бўлган инсон эди.

Асақанинг Оқбўйрасида Ҳошим Тешабоевнинг кадрдон дўсти Ориф ака билан учрашдик. — Обиджон отам ҳам шу қишлоқда туғилиб ўсган эди, — дейди Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи маслаҳатчиси, милиция подполковниги Орифжон Йўлдошев. — Уларнинг ҳар иккиси ҳам зиёли, қалбон одамларга меҳрибон, касбига фидойилиги билан замонасининг обрўли кишиларига айланган эди. Ҳошимжон ака Асакадаги тўртта ва Балқичи туманидаги битта паррандачилик фабрикаларини қуриб ишга туширишда бошқоқ бўлган. Оғир босиқлик билан, мулоҳаза қилиб фикр айтарди. Доимо одамларни рози қилиш ўйида юрарди. Жуда кўп китоб ўйрарди. Хизмат хонасига борганимда, китоб саҳифаларининг бир четига белгилар қўйилгани сабабини сўрагандим. Хотирада қилиши учун китоб ўқийётган пайт зарур жойларини қайд этиб бориши учун кундалик тутиш керак, деб ўргатганди. Оталаримиз биз, фарзандларига меҳрибон эди, гарчи бегона бўлсада, кўл остидагиларга бундан ҳам меҳрибонроқ, шафқатлироқ эди. Азиз инсонларнинг қадри улар оламдан ўтганидан кейин биланган экан. Оталаримизнинг руҳларини шод этиш учун улар қурсатган йўлдан бораёلمиз.

(Шахсий архивдан олинган сурат.)

Фарзандини ота-онага муҳаббатни қанчалик кучли бўлишини Ҳошим ота мисолида кўрганман. Онаси Ойтоҳжон отинбувини ойдан ҳам яхши кўрар эди. Ойтоҳжон энамиз тўқсон ёшдан ўтган чоғларида ҳам кўзойнақсиз "Курьон" ўйр эди. Аҳмад Ясавий ҳикоятларини ёддан билар эди. Жуда саранжом-саримталли, ниҳоятда покиза ва таъби нозик, иймон-эътиқоди мустаҳкам аёл эди.

Миннатдорлик мактуби

Кексалик гаптини оила аъзоларим даврасида, неваралар қуршовида, театр-ибодатда суриб юргандим. Тўсатдан юрагим безовта қила бошладди. Шифокорларга мурожаат қилганим, юрак-қон томимизга стенд қўйиш лозимлигини айтишди. Ҳукуматимизнинг пенсионерларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан айланай, менга республика ихтисослаштирилган кардиология марказида жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун ордер берилди. Мени мазкур марказнинг бўлим мудири, фан номзоди, олий тоифали шифокор, 30 йиллик тажрибаси эга Наргиза Маҳкамова хушқайфиятда кутиб олди. Стенд қўйиш амалиётини эса яна бир фан номзоди Бахтиёр Йўлдошев маҳорат билан адо этди. Амалётдан кейинги даволаш муолажаларини Дилноза Алимова олиб борди. Шундай қилиб, қисқа фурсат ичида шифокорларнинг маҳорати ва меҳрибонлиги туфайли соғлигим қайта тикланди. Бу давр мобайнида бош ҳамшира Мамлакат Рихсатиллаева бошқача ҳамширалар — Дилрабо Носирова, Назира Дўсмонова, Феруза Ҳусамовина тегишли муолажаларни олиб боришди. Шифохонадан чиқишда уларга чин дилдан миннатдорлик билдирдим. Шу боис миннатдорлигини матбуот орқали ҳам билдиришни лозим топдим. Аҳмаджон ЭЛМУРДОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, Навоий вилояти Хатирчи тумани.

СИНОВ ТАРИҚАСИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА

Ҳар қандай давлатнинг тарихи бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади.

Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Аҳолини рўйхатга олиш бу мамлакат аҳолисининг мўайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан,

жорий йилнинг 1-25-ноябр кунлари 4 та худудда: Андижон вилоятининг Хўжаобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманлари ҳамда Хива шаҳрида ўтказиш белгиланган эди. Ҳозирда ушбу жараён қизғин кечмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш ҳар бир фуқаро учун муҳим. Чунки у давлатнинг келажақда ривожланишини белгилайди. Э.ТУРСУНБОВ, Бектемир тумани статистика бўлими бошлиғи.

Эълонлар

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи томонидан 2019 йилда Эркин Абдулазиз Санжар ўғли номига берилган L № 381460 (рўйхат рақами 928) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи томонидан 2019 йилда Йўлдошев Бобуржон Ботир ўғли номига берилган L № 376220 (рўйхат рақами 980) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"101" оғоҳлантиради ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Сергели тумани Фавқулдатта вазибалар бўлими томонидан аҳоли яшаш хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларида ис-газидан заҳарланишнинг олдини олиш борасида мунтазам чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирлар доирасида тумanning 4 та секторидида ишчи гуруҳлар тузилиб, ҳар бирига тегишли ташкилотлардан мутахассислар жалб этилган. Ўтказилаётган тадбирлар давомида туманимиз ҳудудида жойлашган ҳовиллар, кўп қаватли уйларда жойлашган хонадонлар ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда текшириб чиқилди. Ўрганиш даврида 198 та табиий газдан фойдаланиш хавфсизлиги қондаларига риоя этмаган хонадонлар, 153 та шамоллатиш каналлари носоз кўп қаватли уйлардаги хонадонлар, 68 та дудбуронлари носоз шахсий аҳоли турар жойлари аниқланиб, барча камчиликлар туман газ ҳамда печ ва дудбуронларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этилди. 165 нафар яқна ёлғиз, қаровчиси йўқ ва ичкиликка ружу қўйган фуқароларнинг хонадонлари ўрганилиб, ёнғин хавфсизлиги борасида йўриқнома ўтилди. Ўрганишлар давомида фуқаролар ўртасида ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш ва газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя этиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Истеъмолчиларнинг газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этишларини тарғиб қилиш бўйича буклетлар, эслатмалар, қўланмалар тарқатилди. Қолаверса, туманимиз ҳудудида жойлашган 2 та электрон манитор таблоларда ҳар куни 25-30 мартабадан ис газини роқилари ҳам намоийш этиб келинмоқда.

А.Р.ТУРАХОНОВ, Сергели тумани ФВБ бошлиғи, подполковник.

Тахрир хайъати: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Актам ҲАМИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раҳимжон СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Буюртма Г-1147. 1851 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона — (0-371) 236-26-50. Факс — (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар — (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 18.20.